

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 94 (10.399)

2005 ЙИЛ 17 МАЙ

Ислом КАРИМОВ:

БИЗНИ ТАНЛАГАН ЙЎЛИМИЗДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар муносабати билан 14 май куни Тошкентда мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди.

Давлатимиз раҳбари 13 май куни Андижон шаҳрида юз берган воқеаларга тўхталар экан, уни амалга оширилган Қирғизистонда кейинги ойларда рўй берган воқеаларни таққорлашга урингани яққол кўзга ташланади, дея таъкидлади.

Бирон-бир давлат ҳудудидagi нотинч вазият, қарама-қаршилик, узоқ давом этадиган можаро фақат шу мамлакат ҳудудида қилиб кетмайди, деди Ислом Каримов. Аксинча, эртами-кечми, қўшни давлатларга ҳам ёйилиши мумкин.

Фаргона vodiysida, хусусан, Андижон вилоятида пайт пойлаб юрган ақидапараст, экстремистик гуруҳлар ўзларининг узоқ вақтдан бери пинҳона тайёрлаб келган режаларини амалга оширишга уринди. Улар Қирғизистондаги каби Ўзбекистонда ҳам маҳаллий ва марказий ҳокимият зафилик қилади, деган хомжаёлга борган эди. Жангарилар онги захарланган ёшларни ўзларига эргаштириб, маъмурий биноларни эгаллаш йўли билан ўз қабих мақсадига эришишни хаёл қилган эди. Андижонда халқ сайлаган конституциявий ҳокимиятни ағдаришни, бу ерда муслмон халифалиги тузишни мўлжаллаган эди. Боз устига, режаларимизни маҳаллий аҳоли қўллаб-қувватлайди, деб уйлаган. Лекин уларни ҳеч ким қўллаб-қувватламади, ҳеч ким майдонга чиқмади.

Жангарилар орасида қўшни давлатлардан суқилиб кирганлар ҳам бор эди. Четдан ёрдам ва маблағ олмасдан бу гуруҳлар ҳеч қачон чўқур тайёргарлик қўриши ҳамда бундай воқеани ташкил қилиши мумкин эмасди. Бундай дейишга барча асосларимиз бор, деди Президент.

Шу йўлнинг 24 мартада Қирғизистонда юз берган "қизғалдоқ инқилоб" деб аталаётган воқеалар атрофидаги барча гап-сўзлар, аслида, уларни Тбилиси ва Киевда рўй берган маълум сиёсий воқеалар билан тенглаштиришга чиранишдан бошқа нарса эмас. Ваҳоланки, бу мамлакатларнинг ҳар бирисида юз берган воқеаларнинг аниқ сабаблари ва ўзига хос жиҳатлари мавжуд эди. Шундай экан, ушбу мамлакатларда рўй берган воқеаларни, айниқса, Қирғизистон воқеалари муносабати билан уларни бир-бирига боғлашга уринаётганлар шуни унутмаслиги керакки, бундай вазият ва сценариолар ўзининг разил манфаатлари йўлида фойдаланиб қўлувчилар қўллаб топиллади.

Айрим давлатларнинг Марказий Осиё минтақасига демократиячи мажбурият ўрнатишга уринишдан учинчи куч фойдаланиб қолиши мумкин, - деб оголхлатди Ислом Каримов. - Бу куч - ислом динини никоб қилиб олган ёвус ниятли радикал оқимлардир.

Аҳолисининг қарийб 80 фоизи муслмонлардан иборат минтақамизда юқоридagi каби вазият турли диний ақидапарастлар ва экстремистик кучлар учун қўл келиши мумкин.

Кейинги йилларда Афғонистонда амалга оширилган ақсилтерор операцияси натижасида радикал диний гуруҳлар, турли халифаликлар тарафдорлари қашқатин зарбага учраган бўлишига қарамай, бу ёвус кучлар Марказий Осиё минтақасида таъсирини қайта тиклашга уринишдан, ўзининг разил мақсадларига эришиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишдан ҳамон умид узгани йўқ.

Бу ёвус кучлар, биринчи навбатда, Афғонистонда кечаётган ижобий жараёнларни йўққа чиқаришга, минтақамиздаги мустақил давлатларда конституциявий тузумни ағдаришга, бу мамлакатларни дунёвий тараққиёт йўлидан қайтаришга уринмоқда. Бу фикрларни исботловчи факт ва маълумотлар бизда етарли. Шу боис Қирғизистонда сўнгги ойларда рўй берган воқеалардан қандайдир инқилобий ранг ва маъно излаётганлар 2005 йил 24 март воқеалари бошқача оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмасликлари даркор. Радикал диний оқимлар, жумладан, "Ҳизбут-таҳрир" ёки Андижонда ўзини "Ақромийлар" деб атайдиган гуруҳлар ҳам фурсат келганда воқеалар оқимини ўз манфаатлари йўлига буриб юбориш учун пайт пойлаб тургани сир эмас.

Андижонда содир бўлган воқеаларга камида 3-6 ой давомида тайёргарлик қўрилган. Бундай дейиш учун барча асосларимиз бор, деди Президентимиз. Воқеалар режасини тузиш ва уни амалга оширишда минтақамизда, айниқса, Қирғизистон жанубида илдиэ отган турли диний-экстремистик марказларнинг бевосита иштироки бор. Бу ишларда чет элнинг моддий қўмағи борлиги ҳам қўриб турибди.

Ислон ҳуқуқлари муҳофазаси билан шуғуланувчи баъзи бир хорижий ташкилотлар ва демократия масаласида анча илгариллаб кетган айрим давлатлар Ўзбекистонда "Ҳизбут-таҳрир" мисолида ўз мақсадларига тинч йўл билан эришишни кўзлаган беғуноҳ мўмин-муслмонлар таъкиб этилмоқда, деб ҳамон "кўз ёши тўкмоқда". Андижонда рўй берган воқеали воқеалар эса улар жуми қилаётган ўша "қўй оғзидан чўп олмаган" кимсаларнинг ҳақиқий, айтиш мумкинчи, ваҳидна башарасини фаш этди.

Шундан кейин Президент Андижонда 13 май куни содир бўлган воқеалар тафсилотига тўхталди. Олдиндан пухта тайёргарлик қўрган қуролланган жангарилар ярим тулда шаҳардаги пост-патруль хизмати батальони ҳудудига бостириб кириб, тўрт нафар навбатчини отиб ташлайди. Ушлаб автомат, граната, иккита қўл пулемёти ва бошқа қурол-яроғни қўлга киритган босқинчилар тунги соат ҳамаси 1.30 да Мудофаа вазирлигининг 34-бригадаси ҳарбий қисми томон йўл олади. Бу ерда ҳам навбатчини отиб ташлаб, қўшимча қурол-аслаҳани қўлга киритади. "Зил-130" юк машинаси ёрдамида қамоқхона дарвозасини бузиб қиради, қурол билан қўрқитиш орали ҳибсхоналардан қарийб 600 нафар маҳбусни чиқариб юборади.

Босқинчилар тинч аҳолига тегишли енгил машиналарни эгаллаб олади, қуроллардан ўқ отган ҳолда вилоят ҳокимлиги, Миллий ҳавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ва вилоят ички ишлар бошқармаси биноларига ҳужум уюштиради. Улар вилоят ҳокимлиги биносини эгаллайди, аммо босқинчиларнинг кейинги объектларни босиб олиш йўлидаги уринишлари бартараф этилади. Жангарилар ҳар бир ҳаракатини аёллар, болалар, қари-ялар ва бошқа гаровга олинган кишилар панасида туриб амалга оширади.

Мамлакатимиз Президенти шу куни эрта тонг-

даёқ Андижонга етиб борди. Шаҳар ва вилоят жамоатчилиги вакиллари, маҳалла оқсоқоллари билан учрашди. Улар билан маслаҳатлашган ҳолда вазиятни изга солиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилди.

Жангарилар билан музокаралар деярли кун бўйи давом этди. Улар қарши ҳеч қандай куч ва қурол ишлатилмаслиги тўғрисида қарор берилишига қарамасдан, босқинчилар муросага келишдан бош тортиди. Аксинча, қуракда турмайдиган турли талаблар, жумладан, суд томонидан қонуний равишда озодликдан маҳрум этилган барча раҳна-молари ва маслақдошларини қамоқдан чиқариш талабини қўйди.

Террорчиларнинг бу каби сиёсий талабларини бажариш дунёнинг бирон-бир давлати тажрибасида кузатилмаган.

Уларнинг ҳар қандай талаб ва эътирозлари қонун доирасида ўрганилиши ҳамда одилона ҳал этилиши билдириди.

Шундан сўнг жангариларга яна икки соат муҳлат берилди. Кун давомида уларга қарата ўқ узилишига йўл қўйилмади. Музокаралар натижа бермаган, вилоят ҳокимлиги биносини қўришаб олишга киришилди.

Ҳеч нарсага эриша олмаслигига қўзи етган жангарилар кечга томон бир неча гуруҳга бўлиниб, қочиб уринди. Бунда улар гаровга олинганлардан ўзига қалқон сифатида фойдаланди. Улар олдиндан тайёрлаб қўйилган жойларга аширирилиши ёвуд қўшини Қирғизистон ҳудудига ўтиб кетишга уриниши эҳтимолдан холи эмас.

Муқаддас динимизни никоб қилиб олган, ўзини мўмин-муслмон ва фақат диний эътиқод эркинлиги ҳимоясига қилиб қўрсатадиган, аслида эса охиратини ҳам уйламайдиган қабих кимсаларнинг ақл башараси қандай эканига яна бир бор амин бўлди, деди Президентимиз.

Минг афсуски, ушбу воқеали воқеалар туфайли мулклар беғуноҳ одамлар ҳалок бўлди. Шу билан бирга, ўзларининг ақидапараст дохиллари ҳамда хориждаги раҳнамо ва хомийлари топширигини бажарган кимсалар томонидан алданган ва йўлдан урилганлар ҳам нобуд бўлди.

Бу воқеалар ҳар биримизни теран мушоҳада қилишга ундайди. Бунда фуқароларимизда демократик тафаккур тарзини юксалтириш масалалари алоҳида эътибор қаратиш айниқса муҳимдир. Зеро, демократик тафаккур - жамиятни ҳар қандай диний ақидапарастлик оғуси таъсиридан фориэ этишга қодир.

Мамлакатимиз, халқимиз истиқлолнинг илк кунларида белгиллаб олган олий маслагимиз - ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораверди, деди Юртбошимиз пировардида. Жамиятни демократлаштириш ҳамда янгиллаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш - бош мақсадимиздир. Эркин, демократик фуқаролик жамияти талабларига тўлиқ жавоб берадиган юксак тараққиётга эришиш йўлидан бизни ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди.

Президент Ислом Каримов журналистларнинг барча саволларига батафсил жавоб қайтарди.

У.А

XXI ҲАСР садоқиси
Барча мабалардан олқинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

• Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мамлакатимиз олий ўқув юртлиари талабаларининг «Ҳазина-2005» ўзбек фольклор санъати ва урф-одатлари фестивали якунланди.

• Қарши Давлат университетида «Ойбек ижодида миллий анъаналар» мавзудида республика илмий анжумани бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги олий ўқув юртлиарининг профессор-ўқитувчилари, адабиётшунос-тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

• Нукус шаҳридаги «Турон» ёшлар марказида шаҳар ҳокимлиги ва «Ноғиронлар» жамияти ташаббуси билан болалар ўртасида анъанавий «Ранг-баранг бўёқлар» танлови ўтказилди.

• «Йил ўқитувчиси» кўриктанловининг Навоий вилоят босқичи бўлиб ўтди.

• Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани пиллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартнома-мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларида 121,5 тонна сифатли «кумуш тола» етказиб берилди.

• Фаргона вилояти марказидаги «Истиклол» теннис мажмуасида «Challenger» халқаро турнири бошланди. Мусобақада Россия, Хиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Хитой каби ўн икки давлатдан 52 нафар теннисчи иштирок этяпти.

• Фаргона шаҳрида қорд авиамоделлари бўйича Ўзбекистон чемпиони якунланди. Унда икки юздан зиёд авиамоделчи қатнашди.

Жапонда

• Словакия парламенти кенгайган Европа Иттифоқи Конституцияси ҳақидаги келишишни имзоледи.

• Иржи Парубек бошчилигидаги Чехиянинг янги ҳукумати парламент томонидан маъқулланди. Янги ҳукумат 2006 йилнинг ўрталарига қадар фаолият қўрсатади. Сўнг мамлакатда умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади.

• Колумбиянинг собиқ адлия вазирни Альберто Сантофиммо Ботеро 1989 йилдаги сайловларда номзод бўлган Луис Карлос Галанга суиқасдни уюштирганликда айбаниб ҳибсга олинди.

• Нефть ишлаб чиқарувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) «қора олтин»нинг экспорт нархини оширишга келишиб олди.

• Америка олимлари СХ 717 деб номланган хотирани яхшиловчи дорини ишлаб чиқилди.

У.А

ТИНЧ - ОСОЙИШТА ҲАЁТ ЯНА ИЗГА ТУШДИ

АНДИЖОН. Бу ерда 13 май куни содир бўлган воқеалардан кейинги вазият барқарорлашди. Шаҳарда тинч-осойишта ҳаёт ҳукм сурумоқда. Барча қорхона ва муассасалар, аэропорт, вокзал, автовокзал, электр станцияси, телефон тармоқлари, шунингдек, чойхоналар, савдо ва маиший хизмат шохбачалари, бозорлар одатдаги тартибда ишлапти. Бўлиб ўтган воқеалар маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида чўқур таҳлил этилиб, холис баҳоланмоқда.

Шаҳримизда юз берган воқеалардан жуда таассуфдамиз, - дейди «Бирлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Фотима Салиева. - Бир тўда нобакорлар тинч ҳаётимизга раҳна солишга уринди. Президентимиз

Ислом Каримов шундай оғир дамларда биз, андижонликларни ёлғизлатиб қўймадилар. Ўша мудҳиш куннинг тон сахариданоқ бу ерга келиб, бизга далда булдиллар. Шаҳар ва вилоят жамоатчилиги, маҳаллалар воқе-

коллари билан бамаслаҳат иш қўрдилар. Юртбошимизнинг ана шу жонқуярлиги, матонатли, қатъияти туфайли бугун Андижонда вазият, тинч турмуш яна изга тушди.

— Она шаҳримда воқеали воқеа-

ПОЙТАХТНИК ДИР КУНИ Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

● БЕКТЕМИР туман ҳокимлигида туман хотин қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИХнинг туман бўлимлари ҳамкорликларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар муҳофазасига бағишланган давра суҳбати уюштирилди.

● УТГАН куни Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида халқаро Оила куни муносабати билан "Оила — муқаддас Ватан" деб номланган тадбир ўтказилди.

● БОБУР номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда "Камолот" ЁИХ Учтепа туман Кенгаши ҳамкорликларида бир неча кундан бери давом этаяётган абитуриентлар сайли ниҳоясига етди.

● МИРЗО Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг талабалар уйида ўтказилган "Университет — фарҳим менинг" мавзусидаги давра суҳбатида тарих факультети профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

● ТОШКЕНТ туризм касб-хунара коллежида бўлиб ўтган "Бирлашган истеъдодлар-2005" деб номланган кўрик-танлов "Камолот" ЁИХ Юнусобод туман Кенгаши томонидан уюштирилди.

● 1-ТОШКЕНТ Давлат тиббиёт институтида ташкил этилган "Очқ эшиклар куни" тадбирида Бектемир туманидаги ўқув муассасалари ўқувчилари иштирок этди.

● КЕЧА "ОЛИМПИА Умидлари" спорт мажмуасида "Оила ва аёл" мавзусида ўтказилган давра суҳбати Сергели туман хотин қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ ва "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● ШАЙХОНТОХУР туманидаги 59-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида уюштирилган давра суҳбати "Оила — муқаддас Ватан" деб номланди.

● ХАМЗА туманидаги "Само" қаҳвахонасида Хамза туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИХ туман бўлимлари ҳамкорликларида "Ибратли оила — оилада аёлнинг роли" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

● БЕКТЕМИР туман марказий кутубхонасида академик ёзувчи Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг юз йиллигига бағишлаб "Ойбекнинг шох асари" мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати "Навий" романи ва унинг адабиётимизда тутган ўрнига бағишланди.

● ЮНУСОБОД туманида туман хотин-қизлар кўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИХнинг туман бўлимлари ҳамкорликларида "Замонавий оиланинг маънавий асослари" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кочун ва ижро

БОЗОР ВА ҲАЛОЛ РАҚОБАТ

Президентимиз Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маърузасида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви янада чеклаш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий қафолатларни таъминлаш, иқтисодиёт ва бизнесни барқарор ривожлантириш, тўлақонли бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги ҳов-тўсиқларни бартараф этиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилда қабул қилинган «Товар бозорларида монополияси фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни айтиш шундай мақсадга хизмат қилмоқда.

Мақсуд қонунга мувофиқ, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектга зарар келтирадиган, унинг тадбиркорлик обрўсига путур етказадиган ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар тарқатиш ман этилади. Ҳўжалик юритувчи субъектнинг товарлар ва хизматлар бозорига киришига тўсқинлик қилиш мумкин эмас.

Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўйилмайди. Бозорнинг барқарор фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга.

ришга тўсқинлик қилувчи ва истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларига зарар етказувчи битимлар тузилиши мумкин эмас.

Жумладан, нархлар ва тарифларни сўний ошириш, сақлаб туриш, бозорни ҳудудий принцип бўйича, сотувлар ва харидлар ҳажми, товар хиллари, сотувчи ёки хариддор доираси бўйича тақсимлаш тақиқланади.

Айни қоидалар бозорларимизда соғлом рақобат муҳити яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Аммо монопол мавқега эга айрим қорхона ва ташкилотлар раҳбарларининг қонунга панжа орасидан қараётгани ачинарлидир. Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни кўллаб-қувватлаш бошқармаси томонидан ўтказилаётган текширишларда шундай ҳоллар аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси ўз тизимидаги ташкилотларга хизмат кўрсатиш тарифларини тасдиқлаб берган.

Қонунчиликка кўра, қорхоналарнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятига бундай аралашуш мумкин эмас. Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни кўллаб-қувватлаш бошқармаси ходимлари аралашуви билан бундай ноқонуний буйруқлар бекор қилинди.

«АСЖК» сўғурта компаниясининг темир йўлларда ўзини «яккахоким» санаб, қўп қонунбузарликка йўл қўйгани ҳам иззис қилмади. Бу компания темир йўлда йўловчиларни сўғурталаш ишлари билан шуғулланишида «ягона ҳуқуқ» эгаси бўлган. Йўловчилар бошқа сўғурта компаниялари қафолатидан маҳрум этилган. Бошқача айтганда, бошқа сўғурта компанияларининг ушбу бозорга киришига тўсқинлик қилинган. Бошқарма аралашуви билан чек қўйилган бозор қонуниятига мутлақо зид бундай ҳолатларга яна қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин.

Товари ва хизмати билан эл олдида чиққанлар унутмаслиги лозимки, бозор ҳалоқ рақобат тарафдори. Фиромчининг қосаси оқариши қийин.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Шаҳар — қишлоққа

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ Ортади

Ерга уруғ қадаб, заминни яшнатувчи, бободоҳон оғирини энгил қилишда унга яқин кўмақдош — қудратли техникаларнинг замон талабларига мослиги қишлоқ ҳўжалигида катта аҳамиятга эга. Ерга ишлов бериш, уруғ экиш, эриқ очиш каби ишларда давлат билан бирдек меҳнат қилишга қодир техникалар «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда.

Хозирда шаҳримизда фаолият юритаётган ушбу завод маҳсулотларини республикамизнинг барча қишлоқ ҳудудларига етказиб бериш билан бир қаторда Россия, Туркия, Қозғоғистон, Қирғизистон каби давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. Айни дамда заводнинг 15 га яқин цехларида ишчи-хизматчилар сайёҳаракатлари билан бир неча от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарилмоқда. Қорхонанинг моддий техник негизини мустаҳкамлаш учун «ТТЗ- Даст», «ТТЗ-асбоб» қорхоналари ташкил қилинган бўлиб, ушбу қорхоналарда тракторлар учун майда деталлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, «Тошкент трактор заводи»да «Технопласт» ва «ТТЗ Металл» Ўзбекистон-Германия кўшма қорхоналари ҳамда «Кастинг», «Аланга» шўъба қорхоналари ҳам фаолият юритмоқда.

Утун йили қорхонанинг соф даромади 52 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, жорий

йилда бу кўрсаткич бу юртмаларга кўра бир неча фоизга ошади. Шуниси эътиборга лойиқки, акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган замонавий тракторлар Россия, Нигерия, Ангола давлатларига экспорт қилинмоқда.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида қорхонада тайёрланаётган маҳсулот учун бутловчи қисмлар шартнома асосида «Тошқишлоқ-маш», «Чирчикқишлоқмаш» очқ турдаги акциядорлик жамиятлари ҳамда «Аргегат», Фаргона нефтини қайта ишлаш заводларидан сотиб олинмоқда. Бир сўз билан айтганда, кундан кунга бюртмалари ошиб бораётган заводнинг келгуси фаолияти янада юксалиши, шўбҳасиз.

Набижон ҚУВОНДҚОВ.

СУРАТЛАРДА: қорхона ишчиси Бахтиёр Авазов яғи тракторни синовдан ўтказмоқда; заводнинг тайёр маҳсулотлари. Наталья Семёнова олган суратлар.



Ўқув йили яқунланиб бораётган айни кунларда мактаб битирувчиларини табиий равишда «Ким бўлсам экан? Қаерга ўқишга кирсам экан?» деган савол ўйлантирмоқда. Академик лицей ва касб-хунара коллежларида ўтказилаётган очқ эшиклар кунлари умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун бу борада айни муддао десак муболага бўлмайди.

ЛИЦЕЙДА ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент Автомобиль йўллари институти қошидаги Акмал Икромов академик лицейида ҳам бўлиб ўтди.

2001 йилда ўз фаолиятини бошлаган бу ўрта махсус ўқув юртида бугунги кунда 36 нафар ўқитувчи 300дан зиёд талабаларга сабоқ бермоқда. Улар орасида уч нафар фан номзоди, икки нафар халқ таълими аълочиси, 20 нафар олий тоифали педа-

гоглар бор. Академик лицей аниқ фанларга икти-сослашган Тошкент Автомобиль йўллари институти кафедралари билан ҳамкорликда иш олиб боради, олий ўқув юртининг дом-лалари бу ерда ўқувчилар учун турли йўналишларда лекциялар ўқишади.

— Ўқиш жараёни замонавий техника воситалари ёрдамида олиб борилади, — дейди академик лицей директори Жаҳонгир Қодиров. — Бунда Интернет тармоғига уланганимиз асқотмоқда. Электрон почта орқали бир неча ҳорж мамлакатлардаги турдош ўқув юртлари билан алоқа қилиб тураемиз. Ўқув юрти-мизни аъло баҳоларга битириш ўқувчиларимизга тегишли мутахассислик бўйича институтларга йўланма берамиз. Жамоат ишларида фаол ва барча фанлари яхши ўзлаштириб келаётганларга эса институт томонидан махсус стипендия белгиланган.

— Бу йили 9-синфни тугалламоқдаман, — деди Зангиота туманидаги 15-мактаб ўқувчиси Элдор Каримов. — Очқ эшиклар кунлари ўтказилиши биз каби битирувчиларга касб танлашда ёки ўзимиз ҳавас қилган бирон-бир фан бўйича билимларимизни оширишда ўзига хос катта имкониятлар яратиб бера-

«Avisenna-Aroma» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган «Septaksin» дезинфекция воситаси Россия, Латвия, Литва, Белоруссия, Украина давлатларида ҳам рўйхатдан ўтказилиб, регистратсион гувоҳномаларни қўл қиритди.

Тадбиркорлик

ОДДИЙ ВА ҚУЛАЙ

— Қорхонамиз мутахассисларининг қўп йиллик иزلанишлари самараси бўлган ушбу препарат, — дейди қорхона раҳбари Иброҳим Турсунов, — 1,5, 20 литрлик идишларда қадокланган тарзда чиқарилиб, ярқоқлик мuddати 5 йилни ташкил этади. Ушбу препарат нархи арзонлиги, таъсир кўрсатиши қўли эканлиги, оддий ва қулайлиги, юқори сифати билан бошқа шундай воситалардан афзалдир. Ундан хона юзларини, қаттиқ жиҳозларни, санитария-техника ускуналарини, беморларнинг парвариш буюмларини, идишларини, шунингдек, машиини хизмат қорхоналарни, давлолаш масканлари, умумий овқатланиш қорхоналари, болалар масканларига дезинфекциялаш учун фойдаланиш жуда яхши самара бериши тажрибада синналган. Унинг 1 литрлик эритмаси 1 тонна сувга қўшилиб ишлатилиши боис ҳам олиб юришда ҳам қулайдир.

Хозирда ушбу самарали дезинфекция воситаси 90 фоиз маҳаллий хом ашё ҳисобига тайёрланмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш ўринлики, препарат нафақат ички бозорда харидорини топмоқда, балки уни экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилди. Жорий йилда Россия давлатига 120 тонна, Қозғоғистон ва Қирғизистонга 20 тоннадан «SEPTAKSIN» дезинфекция воситасини экспорт қилиш учун шартномалар тузилган.

Аскар ТОШПЎЛАТОВ

ди деб ўйлайман. Негаки бундай тадбирларда қатнашиб, ҳар бир ўғил-қиз ўзига нима кераклигини ва қайси соҳага лаёқати борлигини аниқлаб олиши мумкин. Мен ҳам ўзимнинг қобилиятимга ишонган ҳолда ўқишни шу даргоҳда давом эттиришга аҳд қилдим.

«Очқ эшиклар куни» тадбирида сўзга чиққан лицей директори Жаҳонгир Қодиров, ўқитувчилардан Гулнора Абдураимонова, Гулнора Тожевалова ўқувчиларга лицей ҳақида беракли маълумотларни кириш билан бирга уларнинг қизиқтирган барча саволларига тўлиқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилдилар.

Дарвоқе, эндиликда мазкур ўқув юртига кириш суҳбат асосида амалга оширилади.

Шаҳло ҲОШИМОВА

МАВЖУД 822 ТА ШИРКАТНИНГ 428 ТАСИДА ЯНГИ РАҲБАРЛАР САЙЛАНДИ. ҲОЗИРГИ ПАЙТДА ШИРКАТЛАР ТАРКИБИДАГИ УЙ-ЖОЙЛАР СОНИ ИҲЧАМЛАШТИРИЛИБ, ҲАР БИР ШИРКАТГА 10-12 ТА УЙ ЭКИ 500-600 ХОНАДОН ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. ЛЕКИН БУНДАЙ УЗГАРИШЛАРДАН МАҚСАД ШИРКАТ РАҲБАРЛИНИ НОМИГА АЙМАШТИРИШ ЭКИ УЛАР ХИЗМАТ КЎРСАТАДИГАН ОБЪЕКТЛАР СОНИНИ КАМАЙТИРИШДАН ИБОРАТ БЎЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК.

(ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДАН).

Албатта, «Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал» иборасига амал қилиб, юқоридаги мавзегга ташриф буюриш, ҳақиқий ҳолат билан танишиш мақсадида туман коммунал таъмирлаш ва авария-тиклаш хизмати мутахассислари билан бир неча бор кўриб-қараб келдик. Лекин улар муражатларимизни эътиборсиз қолдиришган, ўзимиз шикоятчилар билан болгани йўлга чиқдик. Илк таассуротларимиз 6-йўнинг биринчи кириш йўлидан бошланди. Тўртинчи айтадиган, бу ерда тозаланик унчалик эътибор қартилмаган. Шикоятчилардан биринчи хонадон кўнги-роғини босдик. Афсуски, бир кун аввал оғохлантирилган-гимизга қарамай, эшикни ҳеч ким очмади. Пастга тушдик. Нафақат шикоятчилар, балки яшовчиларнинг фикри ҳам муҳимку, дея 2-кириш йўлига олдида ўз ишлари билан банд бўлган бир-икки кишини суҳбатга тортдик.

— Бир ойлик иссиқ сув ва иссиқлик қуввати унчун тўловларимиз 22 минг сўмини ташкил этади, — деди 30-хонадон соҳиб Бекқулт Имомқулов. — Лекин хонадонимиз дегарли исмигайди. Ушунга қўриб турганимиздек асосан кўнги-роғини босдик. Шикоятларимиз эса бир неча бундан буён эътиборсиз қолмоқда. Яна бир нарсани айтиб ўтишим лозим, мана яқинда ҳокимиятдан одамлар келиб ўйимиз атрофида тўсиб қўйган панжараларимизни ҳам олиб ташлашди.

— Оғохлантиришми?
— Ҳа, қондага тўғри келмаслигини айтишди ва 70-80 сантиметр баландликда, чиройли қилиб ўрнатилиши кераклигини айтишди, ўғлим айтгандай бундай қўйди, лекин

барибир олиб ташлашди.
— Гул ва қўчаларимизни болалар қилиб ташлашди, шунинг учун панжара ўрнатган эдик, — дейди пенсионер, 19-хонадон эгаси Лена Шляхова, — бир кунда бузиб ташлашди. Ҳаммакинини баравар олишса майли эди, лекин ана қаранг, 5-йўнинг айрим хонадонларини олдидаги панжаралар турибдику. Энди озгина ерими болалардан қўриқлашдан бошқа ишми қолмади.

5-йўнинг онахон қўрсатган хонадон атрофидаги панжара чиндан ҳам олиб ташланмаган. Лекин ҳақиқатан ҳам ушбу хонадон соҳибининг диди чакки эмаслигига кўрган одам амин бўлади. Бежирим ва чиройли ўрнатилган панжара (айтишларича унинг кўрниси, баландлиги талабга жавоб берад экан) ичига яшил майса ҳамда ингабаргли дарахтлар экилган. Афсуски, ушбу уйнинг ҳам кириш йўлаклариди бирорта эшик йўқ, 3-кириш йўлига уйни таъмирлашдан чиққан ахлат умлари ётибди. Ушбу йўлаклариди 37 ва 38-хонадонлардан ҳеч қимни учрата олмадик.

Уйлар ҳақида илк таассуротларни олган, улар бирлашган уй-жой мулкдорлари ширкатига боришни лозим топдик. Маълум бўлишича, дастлаб мавзедога 24 та кўп қаватли уй «Дийр-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкати тасарруфидида бўлиб, эндиликда улар иккита ширкатга бўлинган. Янги ташкил топган «Ал-Жавоҳир-Низом» уй-жой мулкдорлари ширкатидаги 13 та уйда 576 та хонадон мавжуд экан. Ижрочи директор, олий маълумотли мутахассис Уткирали Муродовга мақсадимизни айтдик.

Мақтуб йўлга қолмади

**БАРЧА БАҲРА ОЛСИН
ЭКИ ҚАРС ИККИ КЎЛДАН ЧИҚАДИ**

Ҳамза туманидаги «Галабинанг 40 йиллиги» мавзесида жойлашган 2, 4, 5, 6-кўп қаватли уйларда яшовчилардан 11 нафар хонадон эъзоси имзоси қўйилган шикоят хатиди турар жой биноларини олдидаги дарахт ва экинлар кестириб ташланганлиги, панжаралар эса ҳеч қандай оғохлантиришсиз бузиб олиб кетилганлиги, Бобоқул Салимов маҳалласини ободонлаштириш борасидаги сусткашликлар, аҳоли билан маҳалла ўртасида ҳамжиҳатликнинг йўқлиги, ширкатлар фаолиятидаги камчиликлар кўрсатилган.

шубҳасиз, — дейди Уткирали Муродов. — Қарор асосида ширкатга бирлашган уйларнинг сони қисқартирилиши, уйлар ҳолатини яхшилашда, намунали хизматни ташкил этишда аҳамиятли бўлиб, шунингдек ширкат мутахассисларининг ҳам ҳар бир уй, ҳар бир хонадонга кириб бориши, уларнинг муаммоларини ўрганишида, камчиликларини бартараф этишида кўп келади. Аввало, ҳар бир хонадон эгаси бугунги кунда мулкдор эканлигини, кўп қаватли уй ўз уйи, уни асраш, сақлашда фаол бўлишини ёлди тутмоғи лозим. Шу боис ҳам янги ташкил этилган ширкати ишини аввало тасарруфимиздаги кўп қаватли уйлар ҳолатини, яшовчилар фикр-мулоҳазаларини ўрганишдан бошладик. Ҳозирги кунгача, яъни ўтган бир ой давомида барча уйларда йиғилишлар ўтказдик, тўғриси ошқ-ойдин гаплашиб олдик. Менимча, яшовчиларнинг муаммолари-

ни ваъдалар билан ҳал этиб бўлмади. Аниқ мақсадни амалга ошириш учун эса юқориди айтганимдек яшовчилар фаол бўлиши, мулкдорликни ҳис этиши, боқимандалик кайфиятидан қутулиши керак. Ҳисоб-китобларга кўра тасарруфимиздаги уйларнинг шубҳасиз, — дейди Уткирали Муродов. — Қарор асосида ширкатга бирлашган уйларнинг сони қисқартирилиши, уйлар ҳолатини яхшилашда, намунали хизматни ташкил этишда аҳамиятли бўлиб, шунингдек ширкат мутахассисларининг ҳам ҳар бир уй, ҳар бир хонадонга кириб бориши, уларнинг муаммоларини ўрганишида, камчиликларини бартараф этишида кўп келади. Аввало, ҳар бир хонадон эгаси бугунги кунда мулкдор эканлигини, кўп қаватли уй ўз уйи, уни асраш, сақлашда фаол бўлишини ёлди тутмоғи лозим. Шу боис ҳам янги ташкил этилган ширкати ишини аввало тасарруфимиздаги кўп қаватли уйлар ҳолатини, яшовчилар фикр-мулоҳазаларини ўрганишдан бошладик. Ҳозирги кунгача, яъни ўтган бир ой давомида барча уйларда йиғилишлар ўтказдик, тўғриси ошқ-ойдин гаплашиб олдик. Менимча, яшовчиларнинг муаммолари-

нади. Ахир ушбу маблаг уйлар ободончилиги, яшовчилар қулайлиги учун сарфланса барчага фойдали эмасми?
— Айрим яшовчиларнинг панжаралар ҳақидаги эътирозлари нима дейисиз?
— Президентимиз Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясидаги нутқларида «Ўтказилган инвентаризация якулари бўйича ширкат раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли турар жой ҳудудларида ва 7 мингдан ортиқ уй атрофида ноқонуний равишда қурилган 35 мингдан зиёд гараж ва бошқа объектлар борлиги аниқланди», дея таъкидлаб ўтдилар. Афсуски, тасарруфимиздаги уйлар ҳам ана шундай камчиликлардан холи эмас. Шу сабабли ҳам яшовчиларни умумий мулкка ҳалакат берадиган панжара, бутзорлар, товухона, итхона, каптархона ва бошқа объектлардан холи бўлишга чакриб, уларнинг ўрнига гулзорлар, болалар майдончлари ташкил этишга аҳд қилдик. Албатта, бунда аввало хонадон эгалари оғохлантирилмоқда, лекин натижа бермаган ноқонуний, талабга жавоб бермайдиган турли сим панжаралар (ҳақиқатан ҳам улар ширкат ҳовлисида уюлиб турибди), товухона ва каптархоналар олиб ташланмоқда. Лекин ҳеч қандай дарахтлар олиб ташлангани йўқ, фақат қуриб қолганлари бундан мустасно.

Ҳақиқатан ҳам ширкатга қарашли 1, 2, 3, 4, 5-йўлар ён-атрофларини айланб ташаббулга тушдик. Бу ерда яшовчи хонадон эгалари уй атрофини ҳақиқий товухонага айлантириб олишган. Чунки уйлар атрофи турли сим панжаралар билан тўсиб қўйилган, ён-ён хавфсизлиги қонун-қоидаларига умуман жавоб бермади. Тўғриси айтиш лозим, шу пайтгача маҳалла ҳам, уй-жой мулкдорлари ширкати ҳам бу ҳолга бефарқ қараган. Натижанда фақат уйлар ҳолати эмас, бу кўн-қўшнлар ҳам зини етказган. Ахир бунинг ўрнига мевали ва манзарали дарахтлар экилса, гуллар ўтказилса, уларнинг барча яшовчиларга фойдаси тегса, баҳра олса бу ободончиликка ҳисса эмасми?

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш ўринли. Кўпчилик баланд уйларда яшовчилар уй атрофини панжара билан ўраб, болалардан қўриқлашади. Ахир шу уйда яшовчи

болалар барчанинг фарзандлари. Улардан экилган гул ва дарахтларни қўриқлаш, тинмай танбех бериш ўрнига биргаликда меҳнат қилишни, ўз уйи, ҳовли-жойини аввало-асрашни ўргатиш лозим эмасми? Бунда, албатта аввало катталар, маҳалла фаоллари, уй бошқарувчилари ибрат бўлиши керак.

Шунингдек, коммунал ислохотларни амалга оширишда юқоридида икки ширкат ходимлари Бобоқул Салимов маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда ишлаётганини, маҳалланинг кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож оилаларга кўмагини таъкидлашди. Улар уйлар атрофини биргаликда ободонлаштириш, кўкчаларозлаштириш, болалар майдончалари ташкил этишни режалашган. Маҳалла ўзгариш ҳам таъмирланмоқда. Режа асосида ниҳоллар ўтказилмоқда. Лекин бу борада улар ҳаммиса яшовчиларнинг кўллаб-қувватлашига, ҳамжиҳатликларига таяниши ҳам айтиб ўтишди.

Яна шунини айтиш лозимки, маҳалла оқсоқоли маҳалланин ҳақиқий гамоҳури, керагида суйидиган, оилалар тинчлиги, фаровонлиги, фарзадлар камоли йўлида меҳнатни аямайдиган инсон бўлсагина, унга аҳолининг ишончи ортиб бораверади. Лекин биргина оқсоқолнинг қўлидан нима келади, ахир уни маҳалла кўламанас, биргаликда эзгу ишларни амалга оширмас. Тўғри, кимнингдир озгина айбини қўптириб, унга лой чаллаш осон, лекин бу қилинаётган ишлардан кўз юмиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Чиндан ҳам ушбу маҳалладаги уйларда коммунал соҳада ислохотлар бажариб юборилган. «Дийр-коммунал» ширкатига ҳам янги раҳбар сайланган. Шу боис ҳам барчанинг гапларини тинглаб, фикр-мулоҳазаларини жамлаб, шикоятчиларга ҳам, ширкат ходимларига ҳам, маҳалла фаолларига ҳам бир нарсани, яъни қарс икки кўлдан чиқишини эслатиб қўйишни лозим топдик. Эеро, бугун маҳаллам, уйим обод бўлсин деган ҳар бир инсон, Президентимиз айтиб ўтганларидек, эзгу ният билан эҳмоқчи бўлган ниҳолни айнан шу бугун экиши лозимки, унинг соясидан, мевасидан барча баҳра олсин.

Шарифа ИЛЁСОВА

Бу ҳақда Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида гапирилган эди
ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида»ги қарориди ҳисобга олиш асбобларини ўрнатишни тўлиқ тугаллаш мuddатлари аниқ белгиланган. Унга кўра табиий газ ҳисобга олиш учун ўлчачилар ўрнатишни 2005 йил 1 сентябригача тугаллаш кўзда тутилган.

Албатта, ушбу қарор ижросини таъминлаш йўлида «Тошкентшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси томонидан дастур ишлаб чиқилган бўлиб, жорий йил бошдан сентябрь ойигача 176975 та газ ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган эди. Лекин ушбу дастур ижросига жиддий ёндашилмаганлиги боис ҳам Президентимиз Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида таъкидлаб ўтганларидек, шаҳримиз хонадонлариди газ ўлчаш асбоблари ўрнатиш режаси атиги 70,5 фоизга бажарилди. Бу борада ахвол Юнусобод, Шайхонтоҳур, Чилонзор туманларида қониқарсиз эканлиги таъкидлаб ўтилди. Биз ахволни ўрганиш, кўзланган режани бажариш, аҳолини газ билан таъминлашда сифат ва самардорликка эришиш, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик қилиш, тежамкорликка эътибор қаратиш юзасидан Юнусобод туманида қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қўзғандик.

қаватли уйларнинг хонадонларига газ таъминоти

қаватли уйларнинг хонадонларига газ таъминоти



Лекин, албатта режаланган ишни бажаришда, қарор ижросини таъминлашда имкониятларни қўриқиб топиш, улардан оқилона фойдаланишга интилиш муаммолар ечимиди муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам айни кунларда кўп қаватли уйларнинг хонадонларига газ ҳисоблагичлар ўрнатишни ушорқилиб сонин 15 мингтадан ошиб кетди. Энг асосийси, аҳолига ҳисоблагичларнинг тежамкорлигидаги фойдаси ҳақида тушуниришлар олиб боришмоқда. Ҳозирда Марказ-4, Марказ-5, Марказ-6, «ТошГРЭС» ва бошқа мавзелардаги кўп қаватли уйларга газ ҳисоблагичлар ўрнатилмоқда. Кунига 250-300 тадан ана шундай ускуна хонадонларда тежамкорлик омилига айланмоқда.

Албатта, филиалда ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан газ тармоғига уланлишларнинг олдини олиш, газ ҳақини ўз вақтида тўлашни таъминлашда ҳам амалий ишлар олиб боришмоқда. Шу кунга қадар 2900 та қардордан 1950 таси тўловни ундириш мақсадида фуқаролик судига берилган. Шулардан 1510 таси қўриб қилибди, ҳозиргача 3253 минг сўм ўндирилди. Шу ўринда ўзбошимчилик билан ноқонуний газ тармоғига уланган Оснб кўчаси, 2-уйда яшовчи Умаров, Шолондина кўчаси, 3-уйдан Ил-ёсов ҳамда лоқайд қардорлардан Б.Одилов кўчаси, 5-уйдан А.Турдалиев (120 минг сўм), Қорхожи ота кўчаси, 5-уйдан Ф.Тулаганов (105,700 сўм), Орипов кўчаси, 59-уйдан Р.Баратова (80 минг сўм)ларнинг номларини айтиш лозим. Ўзбошимчилик истемолчилар ҳам қардорлар ҳам бебаҳо неъматнинг қадрига етмай, ҳам ўзларига, ҳам қад идораси ходимларига ташвиш туғдиришмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, тумангаз жамоаси танқиддан ўринли хулосани чиқариб, унинг натижасини эса бундан кейинги меҳнат жараёнида амалга оширишни ният қилишган.

Шарофат БАХРОМОВА
СУРАТЛАРДА: тумандаги 15-мавзедога жойлашган 81-уйнинг 59-хонадон эъзозларига катта мураҳандис Тўлқин Ҳафизов газ ҳисоблагичнинг фойдасини тушутирмоқда; газ пайвандчи Жаҳонгир Ҳидоятов ва чилангар Олимжон Ҳасанов иш жараёнида.

Ҳақимжон Солихов
олган суратлар.

УЙ-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХИЗМАТИ:
Истиқбол ва муаммолар

Тежамкорлик

ТЎҒРИ ҚИЛГАН ЭКАНМИЗ

● **Адҳам ҲАМДАМОВ, Чилонзор тумани, Дўмбиробод кўчасида яшовчи хонадон соҳиб:**
— Ҳар бир керакли нарсани борида қадрлаш лозим. Шу жумладан қозонимизнинг қўйишга уйимизнинг исидида зарур бўлган қимматбаҳо неъмат — «зангори олов»нинг ҳам қадрига етсак, исроф-

гарчиликнинг олдини олиб, тежамкорликка эътибор қаратсак, фақат ўзимизга фойдали.
Ана шу тежамкорликни таъминлашда газ ҳисоблаш ускуналарининг аҳамиятини бугун барчамиз тажрибада қўриб турибмиз. Шу боис ҳам ана шундай газ ҳисоблагичлар барча хонадонларга ўрнатилса, ҳар бир истемолчи сарфига яраша ҳақ тўласа эҳтиёжидан ортиқ газни исроф қилмайди, менимча. Негаки, беҳудага газни экиб қўйсангиз, ҳамёнингизга зарар бўлади-да.
Биз ҳам хонадонимизга ўтган йилда газ

ҳисоблагич ўрнатган эдик. Энг асосийси эса унинг ҳақини тўлашда қулайликлардан фойдаландик. Икки йил давомида газ ҳисоблагич нархини бўлиб-бўлиб тўлаяймиз. Яна бир қувонарли томони, ўтган йилда тариф бўйича 47627 сўм ўрнига газ ҳисоблагич кўрсатган 34189 сўмини тўладик. Бу оиламиз бюджетига фойда бўлиши билан бирга, газни ортқича исроф қилмаслик, кўн-қўшни ва маҳалладошларимизга ҳам ўз вақтида керакли миқдорда етиб боришида муҳим ҳисса бўлди. Сирасини айтганда, ҳисоблагич тежамкорликка гаров бўлмоқда.

Айтсан тилим...
ЭРТАГА ҚИММАТГА ТУШМАЙДИМИ?

Ёз фасли уй қуриш, хонадон таъмирлашга қулай давр. Шу боис ҳам ана шу пайтда қурилиш ашёларини бунёдкор усталининг бозори чаққон бўлади. Бунинг устига ҳозирда нафақат яқна тартибдаги уйларда, балки кўп қаватли биноларнинг хонадонларида яшовчиларнинг диди ниҳоятда қўриқиб кетганлиги, иложи бўлса тўрт хонали уйини бир хона, бир хоналини тўрт хона қилишга ҳам қўриб етади.

Уйларимиз ҳолатига зарар ет-масмикан, дея хавфлардаман...
Ҳақиқатан ҳам уйлашга арзишлик муаммо. Тўғри, байрамиз яқини яшашни хоҳлаймиз, имкониятимиз даражасида уйимизни охириги услубда таъмирлашга, безатишга ҳаракат қиламиз. Бу жуда яқини, дидимиз баландлиги, жахон андозалари даражасида яшаши интиляётганимиз, фаровонлигимизни таъминлаётганимиз ниҳоятда қувонардик, тасаввур қилинг 5 қаватли уйда яшовчилар, менимча

дун эгалари биттадан деворни кўпорас, бунинг оқибати қандай бўлади? Кейинги пайтда кўп қаватли уйларда ана шундай деворларни бузиб, кўпориб олиб ташлаб, уйнинг сейсмик ҳолатига зарар етказишлар қўллаб учраб турибди. Лекин уларга қарши биронта чора-тадбирлар қўрилаётгани йўқ.
— Ҳамма хонадон эгалари сиз қилгандек керакли деворларни олиб ташласа, эртага нима бўлишини тасаввур қиласизми? — сўрадим қўшнимдан.
— Нима қилибди, бошқалар билан нима ишим бор? Бу ўз уйим, уни хусусийлаштириб олганман, мен билан кимнинг иши бор? — жавоб берди у парво ҳам қилмай.
Шу ўринда бир савол туғилди: чиндан ҳам кўп қаватли уйларда ана шундай деворларни олиб ташлаш мумкинми? Нима учун ана шундай ўзбошимчиликларга ҳозирда берпарвомиз? Келгусида бу барчамизга қимматга тушмайди-ми? Азиз муштарий, бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

Дилноза СОДИКОВА



Ҳилол

ҲИССАМИЗНИ ҚЎШАЙЛИК

Кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақлари ширкат мулкдорларининг умумий мулк ҳисобланиб, албатта, уларни ораста сақлаш, авайлаб-асраш кўп жиҳатдан шу бинода яшовчиларга бонлик.

Бу борада айни кунларда С.Раҳимов туманидаги «Бўстон-коммунал» уй-жой мулкдорлари ширкатида ҳам ибратли ишлар давом этмоқда. Ширкатга бирлашган кўп қаватли уйларнинг барча кириш йўлаклариди таъмирлаш, ён-атрофлариди эса ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Ҳомийлар кўмаги ҳамда яшовчиларнинг сая-ҳаракати эвазига таъмирланаётган йўлакларни (суратда) қўриб, бағри-дилнингиз очилиши табиий.

ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИ

Шаҳримизда ободончилик ишларига катта эътибор қаратилаётган бу пайтда, унинг хуснига доғ бўлаётган айрим ҳолатлар киши дилни ранжитади. Чилонзор Оқтепасидаги тарихий тепалик ёнидаги мана бундай манзара (суратда) турли ахлат ва чиқиндиларнинг уюлиб ётганидан наҳотки мутасадди ташкилотлар беҳабар бўлишса?! Ана шундай нохуш ҳолатларга сабаб бўлиб, ахлат ва чиқиндиларни дуч келган жойга ташловчилар эса бироз уялишса бўларди.
Саидқарим БОБОСАИДОВ

Дилдаги гаплар
ЯШОВЧИЛАРНИНГ ЎЗЛАРИГА БОҒЛИК

● **Мадина ОДИЛОВА, С.Раҳимов тумани, «Алдон» уй-жой мулкдорлари ширкатида қарашли 5-уй, 72-хонадон эгаси:**
— Тўғриси, Президентимизнинг шаҳар Кенгаши сессиясидаги азим пойтахтимиз ҳақида, амалга оширилаётган ободонлаштириш юмушлари хусусида айтган гапларидан жуда тўлқинланиб кетдим. Шу шаҳарнинг бир фуқароси сифатида ана шундай ишларга ўз хиссамни қўшгим келди.

Кўп қаватли уйлардаги ахвол, камчилик ва нуқсонлар ҳақида ҳам ҳаққоний гаплар гапирилдики, бу эндиликда барчамизга сабоқ бўлиши лозим, деган фикрдаман. «Тошкент маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳроқибат ҳар бир юртдошимизда катта ҳавас ва гуруҳ уйғотади. Дунёнинг пасту баландини кўрган маҳалла оқсоқоллари, кайовни онахонлар ўзларининг ҳаёт тажрибаси билан ёшларга тарбия ва сабоқ бериб, анъаналаримиз давомийлигини асраб келаётгани ибратлидир» деб таъкидладилар Президентимиз ушбу сессияда.

Мен ана шундай меҳроқибатни, ҳамжиҳатлик ва инсонийликни кўп қаватли уйларда яшовчи ҳамшаҳарларимизда ҳам қўришни истаيمان. Тўғри, коммунал хизматлардан нолийимиз, уста қўли, малакаси билан бажариладиган ишларга укўвимиз йўқ. Аммо йўлакларимиз озодлиги, деворларимиз орасталиги, деворларимиз орасталиги ва чиройи, ниҳоллар ўстириш ва парваришлаш қўлимиздан келади-ку. Мана шундай аризмас юмушларга ҳар биримиз жиндакки на вақт ажратсак, фарзандларимизни ҳам ёнимизга олсак кўп қаватли уйларимиз яшнамайдими? Ҳар бир уйда ана шундай ишлар сансалорликсиз ҳамжиҳатликда амалга оширилса пойтахтимиздаги 9 мингдан зиёд кўп қаватли уйлар шаҳримиз кўригига айланмайдими? Ахир ширкат бу ўзимиз эканлигимизни, уйларимиз ҳолати ва кўрби биз мулкдорларнинг ҳам сая-ҳаракатларига боғлиқлигини англаб етмоғимиз даркор.

Биз ўзимиз яшаётган уйда ҳар қуни навбатчилик ташкил этиб, кириш йўлакларини, ҳовлиларини тозалаймиз. Ҳовлимизга ҳам кўчатлар экиб парвариш қилаймиз. Албатта, бундай покизаликдан, аввало ўзимиз баҳра оламиз, фарзандларимиз ҳам меҳнат қилишга ўрганишади. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, дилда иштиёқ бўлса ҳамма нарсани уддаласа бўлади. Шу боис ҳам кўп қаватли уйларни асраш, сақлаш, ён-атрофлари ободлигини таъминлаш кўп жиҳатдан яшовчиларнинг ўзларига боғлиқ.

Сирин олам

**ЧАҚМОҚ
КИМГА ХУЖУМ
ҚИЛАДИ?**

Момақалди роқдан сўнгги чакмоқнинг етказатган талофатлари кўпчиликка аён. Кудратли яшин иншоотлар, ўрмонлар, электрон техникаларга ҳам таҳдид солиб туради. Базан инсон ҳаётига ҳам. Лекин бу каби ҳодисалар аксарият ҳолларда ёш аёллар чекига тушиши қизиқ. Чунки бундай ҳодисалар кўп ҳолларда фожиали тугайди. Аммо бир сафар... Литваннинг Кельме шаҳрида яшовчи 35 ёшли аёл Дале Ролени яшин урди. Буни қарангки, у тасодиф туфайли омон қолибди.

...Онаси билан томорқада ишлашга бораётган Дале резина этигини кидириб, бирпас ушланиб қолади. Лекин у ҳеч қачон бугунгидек резина этикка эҳтиёж сезмаган. Бироқ қандайдир ички бир нидо уни айнан этик кийишга ундарди. Ким билади, балки унинг тақдирини ўша резинаспорт кийими муҳим роль ўйнаган. Далени яшин уриб, беҳуш ётганида тасодифан ҳамшира пайдо бўлиб, биринчи ёрдам кўрсатишга шошилади. Юрагини уқалай бошлайди. Энди учинчи тасодифи қарангки, айнан ўша дамда уларнинг ёнига насадан "тез ёрдам" машинаси ўтиб қолади. Шифокорларнинг ёрдами туфайли Даленинг юрак фаолияти тикланиб ҳаёти сақлаб қолинди.

Даленинг онаси Доната Довидайтенеининг ҳикояси ажабтовур ҳодисага ойдинроқ тус берди. Унинг айтишича, ана шу воқеа арафасида у туш кўрган. Тушида кизи жулдур кийимда бандаликни бажо келтирган ота-оналари билан бирга эмиш. Эртаси куни эса Далени яшин уриб, кийимларини парча-парча қилиб ташлади. Болалигида Донатани ҳам чакмоқ уриб, ўзининг изини қолдирган экан. Она юзриб келиб, жўк ичида беҳуш ётган кизи Даленинг ёнида ўтирган кўйи Оллоҳдан ўтини, қизининг омон қолишини тиларди. Даледа ҳам чакмоқ етказган излари қолган. Чиндан ҳам чакмоқнинг айнан она-бола ҳаёти билан ўйнашгани қизиқ.

АНТИҚА СУД

Краков шаҳри судида эшитилаётган икки нафар африкалик иши судланувчиларнинг... номи йўқлиги сабабли боши берк кўчага кириб қолди.

Қора қитъа вакилларининг исм-шарифи бор, албатта. Бироқ меҳмонлар уни айтишдан бош тортиб, ўзларини Оболай ва Агат деб номлашмоқда. Польша суди эса исм-шарифсиз жиноятчиларни судлашни тақиқлайди. Яна бир муаммо мавжуд: африкаликлар хозир Францияда истикомат қилаётган польшалик фуқаро учун чўнтагидан нақд пул олишга уринаётганда қўлга олинган. Судланувчилардан бири жабрланган шахснинг номини ўзига қўйганини учун унинг шаънига путур етказилмаслиги мақсадида жиноят ишга қўшилмади. Прокуратура эса суд жараёнида белгиланган тартибда айбдорларга исм қўйишни тақдир этди. Африкаликларнинг паспорт маълумотлари қандай бўлишини суд ҳал этади.

Соғлом турмуш тарзи

**СПОРТСЕВАР ОИЛАЛАР КУЧ
СИНАШДИ**

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббусини қўллаб-қувватлаган ҳолда Сихат-саломатлик йилига бағишлаб шаҳар ҳамда Чилонзор тумани хотин-қизлар кўмиталари томонидан тумanning ҳар бир маҳалласида икки ой давомида оилавий спорт марафонлари ўтказилди.



Сихат-саломатлик йили ҳамда халқаро Оила кунига бағишлаб Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган якуний спорт байрами ҳам соғлом ота-онадан соғлом фарзанд дунёга келишини ҳисобга олган ҳолда «Мен, отам ва онам — спортчидир оилам» деб номланди.

Уни Чилонзор туман ҳокимлиги ва хотин-қизлар кўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, туман таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Кенгаши, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камо-

хайрли мақсадларни қўллаб уюштирилган оилавий спорт марафонига қатнашиш учун маҳаллалар босқичида голиб чиққан ўн бешта оила ташриф буюрди.

Дастлаб тадбирга йиғилганлар «Болалар спорти — Ватан равнақи» мавзусида тумандаги болалар боғчалари, спорт мактаблари тарбияланувчилари, 1-педагогика коллежи талабаларининг муסיқий-спорт дастурларини мириқиб томоша қилишди.

Сўнг хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида кросс югуриши мусобақаси ўтказилди. Оилавий спорт марафони дастуридан эса йиғма эстафетаси, стол тенниси, волейбол, шашка, арқон тортиши каби мусобақалар ўрин олди.

Хаваскор спортсеварлар оилалари қатнашаётгани учун мусобақалар ниҳоятда қизиқарли, ҳаяжонли дақиқаларга бой ўтди. Оилавий жамоалар томонидан кўрсатилган натижалар ҳам бир-бирига яқин эди.

Шундай қилиб, кросс мусобақалари натижаларига кўра биринчи ўрин Ҳамза маҳалласи вакили Зарина Даминавага насиб этди. «Катта хирмонтёпа» маҳалласидан Ҳамида Баратова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Лутфий маҳалласидан Мунира Тошхўжаева учинчи бўлди.



Ниҳоят барча мусобақалар якунланганидан сўнг умумий натижалар сарҳисоб қилинди. Энг кўп очко жамгаран Ашуровлар оиласи туман оилавий спорт марафонининг голиби деб топилди. «Маданият» маҳалласидан Мўминовлар оиласи иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. «Бўстон» маҳалласида истикомат қилувчи Самиковлар оиласига учинчи ўрин насиб этди.

Кросс ва оилавий спорт марафонининг барча голиб ва совриндорлари ташкилотчи ҳамда ҳомийлар — «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, туман «Ватанпарвар» ташкилоти, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани томонидан қimmatбахо совгалар билан тақдирланди. Шунингдек, иштирокчиларга боғдаги аттракционларга бепул чипталар тарқатилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТЛАРДА:
Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган оилавий спорт марафонидан лавҳалар.
Алексей Попов олган суратлар.



Театр — ҳаёт кўзгуси

**ИЖОДКОРЛАРНИНГ ЁШ
АВЛОДИ ШАКЛЛАНМОҚДА**

Маълумки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда кино ва театрнинг аҳамияти катта. Бугунги кунда мамлакатимизда кино ва театр соҳасида ижобий ўзгаришлар, самарали ютуқлар қўлга киритилмоқда. Буни томоша залларининг санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлиб бораётганлигидан ҳам сезиш мумкин. Шунингдек, шаҳримизда кино ва театр соҳасида турли хил анжуманлар, фестивал ва танловларнинг ўтказиш келинаётганлиги ҳам фикримиз далилидир.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Узбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театр ижодкорлари уюшмаси, «Артамада» махсус жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимизда ёш режиссёрлар фаолиятига эътибор ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбек Миллий академик драма театрида «Дебют — 2005» деб номланган ёш режиссёрларнинг республика кўрик-фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда республикамиз вилоятлари ҳамда шаҳримиз театрларида фаолият олиб бораётган ёш режиссёрларнинг дебют асарлари намойиш этилди. Кўрик-фестивал давомида Самарқанд вилояти Абдуҳамид Маждидий номидаги Каттакўрғон шаҳар драма театрининг «Миршаб, қароқчи, айғоқчи ёки актёрлар ҳаётидан бир лавҳа», Муҳимий номидаги Ўзбек давлат муסיқий театрининг «Бахтли бўл, дугонажоним!», Олим Ҳўжаев номидаги Сирдарё вилоят муסיқали драма театрининг «Аёллар

машмашаси», Йўлдош Охунбоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг «Захарли томчилар», Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят муסיқали драма театрининг «Бог» ва бошқа театр жамоаларининг спектакллари томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олдилар.

— Ушбу фестивални ўтказишдан асосий мақсад, бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган ёш режиссёрларнинг ижодига бир назар ташлаш, уларнинг катта саҳнага дадил кириб келишлари учун имконият яратиш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат,— дейди «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Омонулла Ризаев.— Фестивалда асосан Маннон Ҳўғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтига икки-уч йил аввал битирган ёш режиссёрлар билан бирга эндигина институти тугатаётган дипломантлар саҳналаштирган асарлар намойиш этилди. Кўрик-фестиваль яна шуниси билан қадрлики, бугун-

ги кунда бутун дунё театр санъатида долзарб бўлиб келаётган режиссура муаммолари, аynиқса ёш режиссёрларга бўлган эҳтиёжни ҳал этиш йўлида бир восита бўлди, дейиш мумкин. Сир эмас, бугунги кунда театрларимизга томошабинлар қайта бошлады. Лекин уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил қилмоқда. Табиийки, ёшларнинг муносиб таълим олиши, уларнинг турмуш тарзини, орзу-хавасларини, дунёқарашларини акс эттирувчи саҳна асарларини фақат ёш ижодкорларгина ҳаққоний саҳнага олиб чиқишлари мумкин. Шунинг учун ҳам ушбу фестивалда намойиш этилган барча спектаклларни ёшлар завқ билан томоша қилдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда театрларимизда ёш режиссёрлар билан бирга ёш актёрлар, ёш рассомлар, хатто ёш театршунослар ҳам кириб келаётганлиги қувонарли ҳолдир.

«Дебют — 2005» республика кўрик-фестивали яхлит ҳолда хозирги кунда Ўзбекистон театр санъатида янги бир фикрларнинг, янги йўналишларнинг, бир сўз билан айтганда янги ижодкорлар авлодининг шаклланиб келаётганлигини исботлаб берди.

Олти кун давом этган фестивалда намойиш этилган спектакллар ўзининг мазмуни, тарбиявий аҳамияти, инсонларни эзгуликка чорловчи саҳна кўринишлари билан актёрлар ва режиссёрларнинг маҳорати алоҳида ажралиб турди. Спектакллар сўнггида санъатшунос ҳамда театршуносларнинг фикр-мулоҳазалари, муҳокамалари ҳам бўлиб ўтди.

Дилором ИКРОМОВА

Футбол

САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ

Мини-футбол бўйича қитъа биринчилиги мусобақалари бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Яна тўрт кундан кейин Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида мини-футбол бўйича Осиё чемпионати турнирига старт берилди.

Ушбу нуфузли мусобақада қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси айти кунларда тайёргарлик машғулотларини ниҳоясига етказмоқда. Шуниси эътиборлики, мутахассислар муҳлислар Ўзбекистон терма жамоасини совринли ўринлардан бирига даъвогар деб ҳисоблашмоқда. Сабаби, яқиндагина Екатеринбург шаҳрида тайёргарлик кўрган Ўзбекистон терма жамоаси бешта назорат учрашувининг бирортасида мағлубиятга учрамади, ақсича барча беллашувларни ғалаба билан якунлади. "Строитель — Зарафшон" ва "Ардус" жамоалари негизда ташкил этилган Ўзбекистон терма жамоаси мини-футболчиларига қитъа биринчилигида омад ёр бўлсин деймиз.

МОСКВА САФАРИ ЯКУНЛАНДИ

Жаҳон чемпионати саралаш турнирининг иккинчи босқич иккинчи даври ўйинларига қизгин ҳозирлик кўраётган Равшан Хайдаров беш мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Россия пойтахти Москва шаҳрида ўқув машғулотларини ўтказганлиги муҳлисларга маълум.

Терма жамоамиз асосини ташкил этувчи легионерларимизда ўйин амалиётини шакллантириш мақсадида ташкил этилган ушбу машғулотлар давомида Равшан Хайдаров шогирдлари Ярославнинг "Шинник" ҳамда Москванинг "Спартак" жамоалари билан куч синачиди. Шунинг таъкидлаш жоизки, ҳар икки учрашувда ҳам легионерларимизнинг барчасини синовдан ўтказишнинг иложи бўлмади. Асосан "Пахтакор", "Насарф", "Машъал" жамоаларида тўп сурувчи маҳаллий футболчилардан таркиб тонган терма жамоамиз ҳар икки учрашувда 1:0 ҳисобида мағлубиятга учради. "Спартак" билан ўтказилган беллашувда рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олган терма жамоамиздан омад юз ўтирди.

Мезбонлар футболчиси Павленко томонидан 62-дақиқада киритилган ягона гол ўйин охиригача ўзгармай қолди.

Сўзимиз ниҳоясида шунинг таъкидлаш жоизки, ушбу назорат беллашувлари терма жамоамиз ўйини шаклланишига ёрдам бериши шубҳасиз. **(Ўз мухбиримиз)**


"ARSEN-SERVIS" хусусий фирмасининг Устав фонди 27 210 000 сўмдан 1 500 000 сўмгача қаматирилди. Эътирозлар икки ой давомида қуйидаги телефон орқали қабул қилинади: 135-46-91. ИНН 203864168.

Дзюдо

АБДУЛЛА ТАНГРИЕВ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ!

Хабар берганимиздек, шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида икки кун давомида дзюдо бўйича эркеклар ва аёллар ўртасида Осиё чемпионатининг кескин ва мурасасиз баҳслари бўлиб ўтди.

Шунинг айтиши керакки, қитъа чемпионатини қабул қилишга Япония, Жанубий Корея, Хитой каби мамлакатлар даъвогарлик қилгани ҳолда Осиё Дзюдо уюшмаси томонидан мезбон сифатида юртимизнинг танлангани ҳам Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътибор, бир нечта спорт турлари бўйича Олимпиадага саралаш мусоба-



қалари, Гран при турнирлари, қитъа ҳамда жаҳон чемпионатларининг катта муваффақияти билан ўтказилиши ўзига хос омил бўлди. Энг муҳими шундаки, мазкур Осиё чемпионати ҳам 2008 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказиладиган Олимпиада, ўйинларига бошланғич саралаш босқичи вазифасини ўтади — унинг голибларига Олимпиада йўлланмаси учун дастлабки очколарни қўлга киритиш ҳуқуқи берилди.


Мусобақада қитъанинг 26 мамлакатидан келган 350 дан ортиқ эркеклар ва аёллар ғалаба учун кураш олиб боришди. Эркеклар 60, 66, 73, 81, 90, 100 килограммгача ва 100 килограммдан ортиқ ҳамда мутлак, аёллар эса 48, 52, 57, 63, 70, 78

килограммгача, 78 килограммдан ортиқ ва мутлак вазнларда ўзаро баҳс юритишди.

Биринчи кун аёллар ва эркеклар ўртасида тўрттадан вазн бўйича голиблар аниқланди. Жумладан, аёллар ўртасида 63 килограммгача вазнда Хитой Тайпейи вакили Финг Чин Вангни енган япониялик Яши Уэно ғалаба нашидасини сурди. 70 килограммгача бўлган кейинги вазнда ҳам омад Кунчикар мамлакат вакили Мина Ватанабегача қулиб боқди. Шунинг айтиши керакки, биринчи кунда япониялик дзюдочи аёллар маҳорат ботида тенгсиз эканликларини исботлашди. Зеро 78 килограммгача ва 78 килограммдан ортиқ вазнларда ҳам Сае Наказавача ҳамда Мика Сугимотолар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

78 килограммгача вазнда ярим финалда бўлғуси чемпионга учрашувни бой берган ҳамюртимиз Мария Шеке-ровага бронза нишонини насиб этди.

Эркеклар ўртасида биринчи кун финал беллашувларида бошқача манзара намойиш бўлди. Дастлаб, 81 килограммгача вазндаги полвонлар гиламга тушиб, бунда дзюдо ватани вакили — япониялик Такаши Ононинг қўли баланд келди. Шу вазнда учин-



чи ўринни ҳамюртимиз Лазиз Йўлдошев эгаллади. Қолган вазнларда эса Сеиго Саито (Япония), Сунг Хо Янг (Жанубий Корея), Мухаммадризо Рудакий (Эрон) голиблар сафини бошқаришди. 100 килограммдан ошқ вазнда Ўзбекистонлик Ўткир Саломов учинчи ўринни эгаллади.

Иккинчи кун ҳаяжонли дақиқаларга янада бой тарзда ўтди. Аёллар ўртасида 48, 52, 57 килограммгача вазнда

Япония, КХДР ва Мўғулистон вакиллари олтин нишонларни қўлга киритишган бўлса, мутлак вазнда қозогистонлик С.Абикеевани енган Япония спортчиси Мика Сугимото кучли ичра энг кучли номини қўлга киритди.

Эркеклар ўртасида иккинчи кунги улоқ Жанубий корейликларда кетди. Улар икки бор ғалаба нашидасини сурди. Яна бир олтин нишонини мўғулистонлик курашчи қўлга киритишга муваффақ бўлди.



Энг шиддатли ва чиройли баҳс мутлак вазнда кечди. 24 ёшда бўлишига қарамасдан ўзбек кураши ва дзюдо бўйича кетма-кет зафар чўққиларини забт этаётган, икки бор Олимпиада ўйинларида иштирок этган Абдулла Тангриев ўзининг рақиблирини кетма-кет доғда



қолдириб, финалга чиқди. Финалда Япония чемпиони, вазни ўзидан 20 килограмм юқори бўлган Тохохашу Хироаки устидан бир дақиқа ичида соф ғалабага эришиб, қитъанинг мутлак чемпиони бўлди ва Пекин олимпиадаси ҳисобига дастлабки очколарни қўлга киритди.

Бетакор спорт байрамига айланиб кетган дзюдо бўйича Осиё чемпионати ана шу тариқа ниҳоясига етди. Голиблар медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Дилмурод НУРМАТОВ, СУРАТЛАРДА: Осиё чемпионатидан лавҳалар.

Михаил Ёқубов олган суратлар.

— Бизда бир мақол бор, — жавоб берди Ботир Зокиров. — Пули куйган қалампир чайнайди. Бу икраларни охириги пүлимизга Москвадан сотиб олган эдик. Берлинда эса бу анқонинг уруги сув текин экан. Уларни сотгандан кўра, ўзимизни ўзимиз сийлаяпмиз-да!

Жиддий киёфадаги меҳмонхона хизматчиси чехрасига табассум қалқиди. — Сиз магазинларимизда кўрган, нархи арзон икралар-сунъий, — деди у. Ҳақиқий рус икрасини энг қиммат супермаркетлардан қидириб топсангиз катта гап. Икрани хатто ҳамма ресторанларимизда ҳам таклиф қилишмайди. Сотадиган икрангиз бор экан, менинг ўзимга айтмабсиз-да. Ўзим сизларни хурсанд қилардим.

Стал атрофидаги санъаткорлар қўлида қошиқ билан икрани ейишни ҳам, емасликни ҳам билмай анграйиб қолшиди. Ўртага чўккан суканатни Ботир Зокиров қаҳқаҳаси бузди.

— Чумчуқ суйса ҳам қассоб суйсин, Рустам, — деди у маъмурига. — Бу бизнинг биринчи ва охириги бизнесимиз. Энди иштаҳани бўғманлар. Барибир идишдаги икрани кайта банкга солиб, пуллай олмайсизлар. Қани меҳмонни ҳам икрахўрликка таклиф қилинлар.

Эркин Дониёров

Шунақаси ҳам бўлади

БАРОРИДАН КЕЛМАГАН "БИЗНЕС"

Ботир Зокиров Германияга гастролга борадиган бўлди. Концерт дастури тайёрлаш, либослар тикиш каби ишлар ҳам ниҳоясига етди. Самолёт чипталари олинган, жомадонлар таҳланган сўнгги пайтда ансамбль маъмури Рустам Ботир акага "бизнес" таклифи киритди:

— Берлинга яна қачон борамиз? У ерда мол сероб деб эшитганман. Ўзимизга, уйдагиларга у-бу нарса харид қилиш керак. Бизга бериладиган пулни биласиз. Оғайнлар у ерда қора икранинг бозори чакқон эканлигини шипшитишди. Сиз ўнга, мен ўнга олиб олсак. У ерда пулласак, қора-ҳалимизга яраб қоларди.

Ҳофизга маъмурнинг бу таклифи маълум тушди. 20 банка қора икра олиб, сафарга оланишди.

Санъаткорлар Берлинда концерт қўйиб, немисларни қойил қолдиришди. Бўш вақтда магазинларни айланишди. Ботир Зокиров қайси озиқ-овқат магазинга кирмасин, кўзи пештахтадаги икраларга тушади. Нарҳини солиштирса,

Москвада сотиб олганларидан ҳам арзон. Ботир Зокиров Рустамнинг биқинига ниқтаб, эътиборини ўша ёзувларга қаратади. Маъмур хижолатдан ўзини кўйгани жой тополмайди, қани ер билса-ю хофиз кўзидан гоийб бўлса.

Меҳмонхонага келишгача, Ботир Зокиров жомадондаги банкларни очиб қора икраларни ликобларга тўқди.

— Молимиз ўзимизга тан, — деди у шерикларига кулиб. — Қани, икрахўрликка марҳамат.

Ҳофизнинг ўзи катта қошиқни олиб, хонбалиқ уругини паққос туширишга тушди. Хамроҳлари ҳам нафсларини тийиб ўтиришмади.

Дафъатан улар жойлашган хонага меҳмонхона хизматчиси кириб қолди. Катта ликобдаги қора икрани қошиқлаб ейётган артистларга қараб, унинг оғзи очилиб қолди. У русчани билар экан, меҳмонларга таажубланганлигини яшира олмай:

— Сизлар икрани қошиқлаб ейсизларми, — деди.



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65, факс: (3712) 133-21-56

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қозғо биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот босқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни отқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа оқиқадорлик компанияси босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.